



Vol. 4 Issue 08 | pp. 131-138 | ISSN: 2181-1865  
Available online <https://finance.tsue.uz/index.php/afa>

**“ЎЗБЕКНЕФТЕГАЗ” АЖ Да ЙўЛГА ҚЎЙИЛГАН  
АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН “КОМПЛАЕНС НАЗОРАТ” ДАСТУРИ ОРҚАЛИ  
ИНСОН РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШДА ҲАМДА МАНФААТЛАР  
ТЎҚНАШУВИНИ АНИҚЛАШДА ФОЙДАЛИНИЛМОҚДА**



Ҳасанов Шоҳруҳ Ҳолмаматович  
“Ўзбекнефтгаз” АЖ,

Молиявий ва комплаенс назорат департаменти,  
Ахборот-таҳлил бўлими бошлиғи

Тоҳиров Исломбек Зокир ўғли  
“Ўзбекнефтгаз” АЖ,

Ахборот коммуникация технологиялари департаменти эксперти

**Абстракт:** Мамлакатимизда сўнги йилларда рақамлаштириш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Бунга асосий омил бўлиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг барча соҳаларда рақамлаштиришга доир чиқарилаётган фармойиш ва қарорлари хизмат қилмоқда ва катта аҳамият касб этмоқда. Бугун рақамли Ўзбекистон, рақамли иқтисодиёт, электрон хукумат, автоматлаштириш қаби сўзлар кенг қўллай бошладик.

**Калит сўзлар:** рақамли иқтисодиёт, электрон хукумат, “Ўзбекнефтгаз”.

“Ўзбекнефтгаз” Акциядорлик жамиятида коррупция ва талон тарожликларни олидини олиш мақсадида, Молиявий ва комплаенс назорати департаменти ташкил этилган бўлиб, ўтган давр мобайнида комплаенс соҳасида рақамлаштириш бўйича катта ишлар амалга оширилди.

Ушбу илмий мақола орқали мен ва Ахборот технологиялария департаменти дастурчиси томонидан раҳбарият топшириғи ҳамда амалий қўмаги натижасида яратилган Комлаенс назорат дастури ҳақида ёритишни мақсад қилинган. “Ўзбекнефтгаз” АЖ ижро аппарати фаолият самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичларини (КРІ) ишлаб чиқиш ва жорий этиш” тўғрисидаги №71 сонли Жамият бошқарув қарори ҳамда Жамият Бошқарув раиси топшириқлари асосида автоматлаштирилган “комплаенс назорат” дастурини яратиш бўйича ишлар амалга оширилди ва 2021 йил 22 ноябрдаги 507-сонли буйруқ билан Молиявий ва комплаенс назорати департаменти фаолиятига тадбиқ этилган.



“Комплаенс назорат” дастури Жамият Бошқарув аппарати учун, ходимлар ишини назорат этиш, ҳисоботларини қабул килиш, амалга оширган ишларини балли тизимда баҳолаш (КПИ), манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва таҳдил қилиш ҳамда маълумотлар базасини шакллантиришнинг автоматлаштирилган тизими сифатида юритилади.

Комплаенс соҳасида рақамлаштиришнинг аҳамияти шундаки, рақамлаштириш орқали коррупцион хавф хатари юқори бўлган бўғинларда инсон омилини камайтиришга ва назорат жараёнини қучайтиришга эришилади.

“Комлаенс назорат” дастури анча модулларни ўзига қамраб олган бўлиб, дастурни уч йўналишда ёритишга ҳаракат қиласиз.

### 1. КПИ йўналиши.

Ушбу дастурда КПИ, яъни ходимларни меҳнат самарадорлиги кўрсаткичларини баҳолаш функцияси яратилди.

Ҳозирда ташкилотларда турли КПИ баҳолаш тартиблари жорий қилинган бўлиб, биз яратган дастурда бошқа баҳолаш усулларидан фарқли жиҳати, ҳар ким ўзи учун баҳони инсон омилисиз кўпайтиради ва ҳақли равишда ўзининг самарадорлик кўрсаткичига нисбатан рағбатлантиришни сўрай олади. Раҳбариятнинг манфаатлар тўқнашувига йўл кўйган ҳолда ўз яқинларига рағбат пулларини чиқаришдан ҳоли бўлади. Иш жараёнида ходим ўзи ишлашни хохлаб, раҳбариятидан унга вазифа юкланини сўраб туради.

Дастур орқали ходимларнинг вазифалари белгиланган.

- ҳар кунда бир маротаба (сутка давомида, тунги 23:59 га қадар) кундалик ҳисобот бериш, бунда ходим ўша кундаги ҳолатини (ишда, хизмат сафарида, меҳнат таътилида, ўз ҳисобидан меҳнат таътилида, касаллик варақасида, байрам ва бошқалар) аниқ белгилаши лозим бўлади. Ушбу кундалик ҳисоботни бермаслик, ўша ҳисобот бермаган кун учун тебель жадвалида автомат тарзда очиқ қолади ва бу ҳолатта бошқарувчи томонидан аниқлик киритиши мумкин бўлади;

- тизим орқали бириктирилган барча топшириқларни кузатиш, ижроси юзасидан маълумотлар киритиш;
- кундалик равища ишга келганилиги ҳақида “GPS” бўлимида “Ишга келдим” тутмаси орқали маълумот бериш. (Ходимлар кунлик ҳисоботда меҳнат таътилида, ўз ҳисобидан меҳнат таътилида, касаллик варақасида ва байрам ҳолатларини танлаганларида “Ишга келдим” деб белгиламасликлари мумкин);
- ҳисоботларни мунтазам равища яратиб бориш;
- жойларда амалга оширилган ўрганишлар, хизмат текширувлари ва текширувлар якунига кўра тузилган хулосалар, маълумотномалар, далолатномалар ва бошқа ҳужжатлар бўйича “Ўрганиш ҳисботи” ойнасида ҳисоботларни киритиш;
- асосларга (*Департаментга буйруқ ёки хизмат хати орқали келиб тушган топшириқлар*) таянган ҳолда ўзларига операцион топшириқларни яратиш;
- ҳар бир топшириқ юзасидан кунда амалга оширган ишлари тўғрисида маълумот бериб бориш, топшириқлар ижроси тўлиқ таъминланган тақдирда “якунланди” тутмасини босиш ҳамда ижро ҳужжатларини (файлларни) бириктириш;
- “Онлайн тест” тизими орқали раҳбарият томонидан бириктирилган саволномалар бўйича масофавий тест синовларидан ўтиш.
- “Фойдали маълумотлар” ойнасини доимий кузатиб бориш, охирги фойдали янгиликлар ва фаолиятга тегишли ҳуқуқий норматив ҳужжатлар билан танишиб бориш.
- тизимга юклangan ва ҳимояланиши талаб этиладиган ахборотларнинг махфилигини таъминлаш.

Юқорида санаб ўтилган амалларни барчаси ушбу КРІ тизимига боғланган.

#### **Қўйидаги ҳолатларда ходимга балл қўшилади:**

- ✓ Давомат бўлимидан ишга ўз вақтида келган ҳолатда;
- ✓ Кунлик ҳисоботни киритган ҳолатда;
- ✓ Ходим ҳисбот киритганда;
- ✓ Командировкада бўлган ходим фақат командировкага борганлиги учун;
- ✓ Хат ҳужжатни ёпган ходим хат ва мурожаатларнинг статусига қараб ижроси таъминлаш ҳисобига.
- ✓ Тест синовларида ҳар бир тўғри ишлаган жавоб ҳисобига.
- ✓ Раҳбар томонидан ходимнинг қўшимча ҳислатлари, иш давомида эришган натижалари учун (чегараланган) балл қўшиш имкони мавжуд бўлади.

#### **Қўйидаги ҳолатларда ходимлардан ҳар бир қилинган хато ва кечиктиришлар учун балл йўқотилади:**

- ✓ Топшириқларни бажармаган, муддатдан ўтиб бажарган ҳолатда;
- ✓ Кунлик ҳисоботни топширмагандা.
- ✓ Ишга кеч қолган ҳолатда;
- ✓ Бошқа хато ва камчиликка йўл қўйганда (*менеджер томонидан*).

Тизимда иш ҳажмига қараб баллар ўзгариб боради, хатто-ки хатни масофавий ижроси таъминлаш билан жойига бориб, ўрганган ҳолда ижросини таъминлаш орасида балларнинг фарқи мавжуд.

Үрганиш жараёнларида аниқланган хато ва камчиликларнинг хажмига қараб бир неча шкалага бўлингани ҳолда балл тўплаш имкони қўшилган. Катта микдорда камчилик аниқлаган ходим аниқ биладики навбатдаги рағбатлантириш даврида рўйхатта қўшилади.

Қисқа қилиб айтганда, ушбу дастур ҳар бир ходимнинг кунлик қилаётган иши ва келгусидаги режаларини назоратда ушлаш, таҳлил қилиш ва натижада ходимнинг кўрсатган кўрсатгичига қараб муносиб рағбатлантиришга хизмат қиласди.

## **2. Инсон ресурсларини бошқариш.**

Инсонни бошқариш тизими (*HMS-human management system*) тушунчаси шу ўринда мухим аҳамиятга эга. Хатарлар кўпинча ташкилий танқидий жиҳатларга боғлиқ бўлиб, уларни камайтириш – “самарали инсон ресурсларини бошқаришни” (*HRM-human resource management*) амалга ошириш орқали эришилиши мумкин. Ҳусусан, HRM компанияда ишчи кучини бошқаришни оптималлаштиришга қаратилган тизимли процедуralар тизими сифатида белгиланади ва ходимлар ташкилотнинг энг қимматли активлари ҳисобланади. Ҳозирги кунда компаниялар ўзларининг операцион мухитида инсон ресурсларининг фаровонлиги ва қониқишини доимий равишда яхшилашга интилмоқда. Ушбу контексда эътиборга олиниши керак бўлган мухим жиҳат инсон омиллари ва дастурларнинг интеграциялашувиdir, уларнинг оптимал бошқаруви марказий мақсадларга эришиш учун мухим аҳамиятга эга.

Шу ўринда, давлатимиз раҳбарининг таъбири билан айтганда, рақамли технологиялар нафақат маҳсулот ва хизматлар сифатини оширади, ортиқча харажатларни камайтиради. Шу билан бирга коррупция балосини йўқотишида ҳам рақамлаштириш самарали восита ҳисобланади. Давлат ва жамият бошқарувида ҳамда ижтимоий соҳаларда ҳам рақамли технологияларни кенг жорий этиб, натижадорликни ошириш, бир сўз билан айтганда одамлар турмушини кескин яхшилаш мумкин.

Дарҳақиқат, инсон омиллари саноат/бизнес фаолиятининг деярли ҳар қайси бўғинида мавжуд. Улар кўплаб ташкилотларнинг асосий таркибий қисмини ифодалайди ва агар инсон омиллари тўғри аниқланмаса ва бошқарилмаса, бир неча коррупция ҳолатлари ва қонун бузилишига олиб келиши мумкин. Бироқ, бу жиҳатларни ўрганиш, иш жойининг ўзига хос ҳусусиятларига ва баҳоловчининг тажрибасига боғлиқ.

Шу сабабли, автоматлаштириш тизимлари ва инсон ресурсларини интеграциялаш ва масъулиятли иш услубини бошқариш ҳозирги вақтда энг мухим ташкилий муаммолардан биридир. Инсон ресурсларини бошқариш каби тушунчанинг аҳамияти адабиётларда кенг тарқалган. Автоматик тизимларнинг тизимли интеграцияси ҳақидаги ҳар қандай тушунча тизим яратувчисининг ғояси билан ҳамда иш жараёнларида инсон омилларини камайтириш билан боғлиқ бўлиши керак.

Айтиш жоизки, юқори даражадаги автоматлаштиришга эришилганда ҳам инсон омилини бутунлай йўқ қилиш мумкин эмас.

Жамиятимизнинг "Комплаенс назорати дастури" орқали инсон ресурсларини бошқаришдаги аҳамияти салмоқли ҳисобланади. Бошқарувчининг қуидаги енгилликларини санаб ўтишимиз мумкин.

- таркибий бўлинма ходимлари томонидан киритилаётган маълумотларни мониторинг қилиш;
- ходимларни тизимдаги рўйхатга қўшиш, ўчириш ва тизим ёрдамида уларнинг иш фаолиятини баҳолаш;
- ходимларни ишга вақтида келиш давоматларини назоратини олиб бориш;
- Тизимдаги аҳборотларни (*KPI, Дислокация, Күнлик ҳисобот, Давомат, Табель, Текшириш маълумотномаси*) Microsoft Excel форматига қўчириш (экспорт қилиш) ва таҳлил қилиш;
- асосларини кўрсатган ва биритирган ҳолда топшириқларни шакллантириш ҳамда топшириқларнинг оғирлик даражасини белгилаш;
- топшириқни ижроси учун масъул ходимни белгилаш;
- текшириш ҳисботлари учун барча керакли бўлган категория ва қуий категорияларни бошқариш (Мисол. категориялар - хато ва камчиликлар, қуий категориялар - камомад, зарар ва бошка камчиликлар. Бунда ҳар бир қуий категорияга тегишили суммалар киритилади, ўз навбатида қуий категория суммалари бош категорияга жамланади);
- ходимларнинг дастурга киритилган маълумотларидағи хато ва камчиликларини, ўз вақтида ходим томонидан сабаби қўрсатилган тақдирда тўғирлаш ва таҳрирлашга имконият бериш;
- топшириқ билан бошқа жойга ишга юборилган ёки узрли сабабларга кўра иш ўрнида бўла олмаган ходимларнинг ўша кундаги давомат бўйича ишга ўз вақтида келмаган хатолигини, сабабларини кўрсатган ҳолда тўғирлаш;
- ходимларнинг қўшимча ҳислатлари, иш давомида эришган натижалари учун балл қўшиш ва аксинча ҳолатларда балл олиш.
- KPI маълумоти натижасига қараб, ходимларни рағбатлантириш юзасидан раҳбариятга таклиф киритиши.

Бошқаруда бизга маълумки ходимлари сони қўп ташкилотларда ҳар бир ҳудуддан ёки ҳар бир ходимдан маълумот йиғиши, таҳлил қилиш доимо вақт, меҳнат ва мутахассислар сони каби омиллар муҳим бўлган. Айниқса, эллиқдан ортиқ ишчи ходимлари мавжуд бўлинма ва бошқармаларда ҳар бир ходимнинг ҳолати, шароити, жойлашуви каби маълумотларни кунлик таҳлил қилишнинг имкони анча оғир бўлган. Биз, шу каби жараёнларни автоматлаштириш орқали раҳбарият томонидан инсон ресурсларини бошқарувини енгиллаштиришга ҳаракат қилдик ва бу биз кутган натижани берадиганлигини кузатмоқдамиз.

### **3. Манфаатлар тўқнашуви.**

"Ўзбекнефтгаз" АЖда ҳам товар ва иш-хизматлар харидини амалга ошириш жараёнида харид қонунчилигига амал қилиш, унда белгиланган талаблар ва харидлар шаффофлигини таъминлаш, шунингдек коррупция хавф-хатарларини олдини олишга алоҳида эътибор берилиб келинмоқда.

Жамиятдаги мавжуд “1С шартнома” ва “Personal.ung.uz” дастурлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси давлат Статистика қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси давлат Солик қўмитасининг маълумотлар базаси билан “комплаенс назорат” дастурини интеграция қилиниб, манфаатлар тўқнашуви модули яратилди. Маълумот ўрнида таъкидлаш жоизки, Солик қўмитасининг маълумотлар базаси орқали СТИР рақамлар ва корхоналар тўғрисидаги ҳамда Статистика қўмитасининг маълумотлар базаси орқали корхона ва ташкилотнинг бенифициари, таъсисчиси тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланилади.



Ушбу модул орқали ҳозирда “Ўзбекнефтгаз” АЖ билан харид жараёнларига киришаётган контрагентларнинг аффилланганлик ҳолатларини аниқлаш автоматлаширилди. Бунда харид жараёнида иштирок этаётган контрагентни, яъни фирма раҳбари ва таъсисчиси исми шарифларини, Жамиятнинг “Personal.ung.uz” дастурига жойланган барча тизимдаги ходимлар ва уларнинг яқин қариндошлари исм шарифлари билан боғлиқ ҳолатларни автомат аниқлаб бериш имконияти вужудга келди.

Мисол тариқасида келтириш мумкинки, ходимнинг яқин қариндоши бирор фирма директори ёки хатто таъсисчиси бўлган ҳолда, “Ўзбекнефтгаз” АЖ билан харид жараёнларини амалга ошироқчи бўлаётган вақтда дастур “Personal.ung.uz” тизимидағи бир неча ўн минг исмлар орасидан Жамият ходимининг укаси эканлигини аниқлаб беради.

Шунингдек, Манфаатлар тўқнашувини олдини олиш мақсадида ишга кириш учун сұхбатга келаётган ходим тўғрисида маълумотлар комплаенс назорат дастури орқали, қариндош уруғлари ушбу ташкилотда бор-йўқлиги ўрганилиб, таҳлил қилинади. Агар тўғридан тўғри манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлган тақдирда, ушбу номзодга нисбатан Комплаенс назорат тизимининг масъуллари томонидан тегишли хуносалар берилади. Бу корхонанинг ИНН рақами ва раҳбарнинг исм шарифи орқали қидириш имкониятлари бўйича мисол.

Бундан ташқари ташкилотнинг номи орқали Жамият ходимларининг ўзларининг муқаддам ишлаган ташкилотлари ва яқин қариндошларининг

ишлаётган жойлари бўйича солиштириб, эҳтимоллик даражалари билан боғлиқлик бор ёки йўқлигини аниқлаш имкониятлари ҳам қўшилди.

Юқоридаги комплаенс соҳасидаги рақамлаштириш ва назорат тадбирлари Жамиятнинг юқори ва қуий бўғинлари ходимлари томонидан лавозим йўриқномасида юклangan вазифадан ташқари ўз манфаатлари йўлида бирор иш қилишдан олдин, ўйлаб кўришларини тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 июндаги Ўзбекистон Республикасининг «Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида»ги Қонуни ижросини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПҚ-210 сонли қарори билан Қонуннинг қабул қилиниши, айтиш керакки, коррупцион ҳолатларни бартараф этишда унинг туб негизига зарба бериш дея таъриф берилса бўладиган қадамлардан бўлди. Қонун ижроси доирасида 2024 йилда амалга ошириладиган ишлар юзасидан “Йўл харитаси” билан норматив-хуқуқий хужжат лойиҳалари устида ишлар олиб бориш белгиланган. Айниқса, Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келаётган шахс давлат фуқаролик хизматига қабул қилингандан сўнг тадбиркорлик фаолиятини тўхтатиб туриш тартибини белгилаш, шунингдек, Ўриндошлиқ асосида ишлаётган ҳолатларни, Давлат харидларини амалга ошириш ва давлат мулкини хусусийлаштириш жараёнида манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилган ҳолатларни, манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларациянинг намунавий шаклларини тасдиқлаш ва бошқалар бўйича амалий чора-тадбирларга урғу бериб ўтилган.

Эндилиқда манфаатлар тўқнашуви бўйича аниқланган ҳолатлари бўйича чоралар кўришнинг таъсир доираси ортиб, Қонун билан белгилаб қўйилмоқда.

Юқоридаги комплаенс соҳасидаги рақамлаштириш ва назорат тадбирлари Жамиятнинг юқори ва қуий бўғинлари ходимлари томонидан лавозим йўриқномасида юклangan вазифадан ташқари ўз манфаатлари йўлида бирор иш қилишдан олдин, ўйлаб кўришларини тақозо этади.

#### **Manba va foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон — 2030» Стратегияси тўғрисида” ги Фармони, 11.09.2023 йилдаги ПФ-158-сон.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги ЎРҚ-419-сонли “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, 03.10.2019 йилдаги ПҚ-4472-сон.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрда қабул қилинган “Пластик карточкалар асосида хисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 445-сонли Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 27 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг миллий ахборот-коммуникация тизимларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1989-сонли қарори.
6. <https://my.gov.uz/uz>
7. <https://www.youtube.com/watch?v=2CLMbAophvs>.
8. <https://hrm.argos.uz/#/sign-in?redirectURL=%2Fdashboard>

9. <https://www.fahr.gov.ae/en/about-bayanati/>
10. <https://www.mpm.go.kr/english/system/eSaram/>
11. <https://cbu.uz/oz/payment-systems/history/>
12. <https://cbu.uz/oz/payment-systems/remote-banking-services/>
13. <https://my.soliq.uz/main/about-portal>
14. <https://buxdu.uz/yangiliklar/427/byudjet-tashkilotlari-uchun-yana-bir-qulaylik/>
15. <https://review.uz/uz/post/2021-yilda-davlat-xaridlarining-elektron-savdo-tizimida-1018-mlrd-dollarlik-bitimlar-tuzilgan>
16. <https://strategy.uz/index.php?news=1518>

Copyright: © 2024 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution- 4.0 International License (CC - BY 4.0)

